

Кимё саноатимиз тарихи

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/company/history>

Кимё саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг базавий тармоқлар сирасига киради ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни жадаллаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб минерал ўғитлар чиқарувчи корхоналарни қуриш орқали ташкил топган.

Республиканинг замонавий кимё саноати тарихи Шорсув олтин гугурт кони 1932 йилда ишга туширилиши билан бошланади.

1940 йилда кимё саноатининг энг йирик корхонаси — Чирчиқ электркимё комбинати (бугунги кунда «Максам-Чирчиқ» АЖ) маҳсулот бера бошлади.

1962 йилда Фарғона азотли ўғитлар заводи(бугунги кунда «Фарғонаазот» АЖ) ишга туширилди.

1964 йилда навоий кимё комбинати (бугунги кунда «Навоийазот» АЖ) маҳсулот бера бошлади.

1969 йилда Олмалиқ кимё заводи (бугунги кунда «Аммофос» АЖ) ишга туширилди.

Ҳозирги вақтда «Максам-Чирчиқ», «Навоийазот» ва «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятлар азотли ўғитлар — аммиакли селитра, карбамид, аммоний сульфати ишлаб чиқарадилар. «Аммофос», «Самарқанкимё» ва «Қўқон суперфосфат заводи» очиқ акциядорлик жамиятлар фосфорли ўғитлар — аммофос, супрефос, оддий аммонийли суперфосфат, аммонийсулфофосфат ва нитрокальцийфосфат — ишлаб чиқарадилар. Уларни хом ашё билан Қизилқум фосфорит комбинати таъминлайди. «Электрохимзавод» ҚК-АЖ ўсимликларни муҳофаза қилиш кимё воситаларни ишлаб чиқаради.

Компания корхоналарини ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турларидан келиб чиқиб қуйидаги ишлаб чиқариш мажмуаларга бўлиш мумкин:

- минерал ўғитлар, ноорганик моддалар ва энергетика, олтинкон ва кимё саноатлари учун кимё реагентлар ишлаб чиқариш мажмуаси;
- органик кимё, сунъий тола ва полимер материаллар ишлаб чиқариш мажмуаси;
- ўсимликларни муҳофаза қилиш кимё воситалари ишлаб чиқариш мажмуаси;
- калцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш мажмуаси.

«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналари 170-дан ортиқ кимё маҳсулотлар турлари ишлаб чиқарилади.